



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2010 йил 23 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

**XXI аср** САДОСИ  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида барча қулайликларга эга замонавий мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. 216 ўринга мўлжалланган ушбу таълим даргоҳини бунёд этиш учун 741 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

● «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти бўлими Кенгаши томонидан ёшлар ва қатор ташкилотлар вакиллари иштирокида «Баркамол авлод — келажақ пойдевори» лойиҳаси асосида анжуман ўтказилди. Тадбирда асосий эътибор давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишлари учун яратиб берилган имконият ва шарт-шароитларга қаратилди.

● Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент вилоятидаги барча туман ва шаҳарлардаги ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, кўчмас мулк кадастр хизмати вакиллари ўқув-семинари бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари ер заҳираларидан оқилона фойдаланиш, ер фондидаги ўзгаришларни вақтида аниқлаб, салбий жараёнларнинг олдини олиш, ер тузиш ва унга баҳо бериш, давлат ер кадастри юритилиши ҳақида фикр юритдилар.

● Қишлоқ жойларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Қашқадарё вилоятида 16 та кўшимча йўналиш очилди, Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган автобуслар ҳаракатини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилди.

● Самарқанд қон қуйиш станцияси 600 миллион сўмлик энг замонавий технологик анжом билан жиҳозланди. Ушбу хайрли иш Осиё тараққиёт банкнинг узок муддатли кредити ҳисобига амалга оширилди.

● Баркамол авлод йилининг дастлабки ойларида Беҳруний тумани Шимом овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Кўккўз шаҳарчасининг 101 хонадони муносиб совға олди. Салкам 2 километр масофага махсус линия тортилиб, шаҳарчага сифатли ичимлик суви келтирилди.

## ЖАҲОНДА

● АҚШ давлат котиби Х.Клинтон Россияга ракетага қарши мудофаа тизимини яратишда НАТО билан ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

● Европа Иттифоқи Украина билан алоқаларни мустаҳкамламоқчи.

● Юлия Тимошенко яқинда Украина президентлигига сайланган В.Януковични давлат раҳбари сифатида тан олмаслигини билдирди ва парламентдаги демократик кучларни бирлашишга даъват этди.

● АҚШ Грузиянинг Афғонистонга қурол-ярғ етказишда база сифатида ўз ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқишни билдирди.

● Кеча Перунинг шимолий қисмида иккита автобуснинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 38 киши ҳалок бўлди, 55 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Кеча жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган навбатдаги савдо-лавар пайтида нефть нархининг ошганлиги кузатилди.

● Грециянинг иккита йирик авиакомпанияси Olympic Air ва Aegean Air ўзаро қўшилиб кетадиган бўлди. Уларнинг бирикишидан ҳосил бўлган янги авиакомпания Olympic Air номини саклаб қолади.

● Шу йилнинг 8 феврида Халқаро космик станцияга учирилган АҚШнинг «Индевор» кемаси коинотдаги ўз вазифасини муваффақиятли адо этган ҳолда ерга қайтди. Флорида штатидаги космодромга қўнган «Индевор» экипажи аъзоларининг саломатлиги яхши.

● «United Airlines» авиакомпаниясига қарашли самолётнинг парвози пайтида террорчилик ҳаракати ҳавфи юзага келганлиги сабабли у АҚШнинг Юта штатидаги аэропортга қўнишга мажбур бўлди.

● Ироқнинг Мосул шаҳридан йўл олган поезд Туркиянинг жанубида жойлашган Газиантеп шаҳри станциясига етиб келди. Шу тариха 2003 йилда Ироққа Америка қўшинларининг киритилиши оқибатида ҳар икки давлат ўртасида тўхтаб қолган темир йўл қатнови қайта тикланди.

● Италиянинг машҳур Fiat автомобил ишлаб чиқарувчи компанияси икки ҳафта давомида ўз фаолиятини тўхтатишни маълум қилди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бундай масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

## ТАЪСИРЧАНЛИК ВА ЮҚОРИ СИФАТ — ДАВР ТАЛАБИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифаларига бағишланган республика конференциясида шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Конференция Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятининг ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг вакиллари, «Келажақ овози» Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимларида ташкил этилган «Келажақ пресс» матбуот марказларининг аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухалиқов, Фуқаролик жамиятининг ўрганиш институти директори М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳукўқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Ҳўжаев, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ў.Ҳўраев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юқсак самараларини бераётганини таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда).

Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самарасида иқтисодий ислохотнинг барча тармоқларида барқарор ривожланиш давом этмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан ўтган йилги ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоиз ўсганини таъкидлади.

## Фармон ва ижро

### ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Саноат корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш ҳамда кооперацион алоқаларни мустаҳкамлашда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламла бўлаётди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган дастурлар юқсак самаралар бермоқда.

Буни Тошкент шаҳридаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган «Темирчи» очик акционерлик жамияти фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили корхонада 4 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Айни вақтда 100 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган корхонада ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари учун ўнга яқин ускуна ва қурилма тайёрланмоқда. Шунингдек, 263 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисм ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Уларнинг аксарияти маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилмоқда. Кичик ёғ линияси учун, ўсим-

лик дони ва пахта чигитини тоблаш ва эзишда қўл келувчи эҳтиёт қисмлар шулар жумласидандир. Корхона юртимиздаги барча ёғ-мой заводлари билан кооперация алоқаларини мустаҳкамлаб, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қатъий эътибор қаратаётди. 2009 йил ҳисобидан «Косон ёғ экстракцияси», «Тошкент ёғ-мой», «Эффе́кт ойл» очик акционерлик жамиятларига зарур эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган ускуналар чидамлигини ошириш мақсадида сиртини хромлаш чоралари қўрилмоқда. Бу эса маҳсулотлар сифати янада ошишига хизмат қилади.

— Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йили эшик-ромлар учун алюминий профил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди «Темирчи» очик акционерлик жамияти бош мудири Шуҳрат Хилватов. — Импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот тайёрлаш бошлаганимиз даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлардан фойдаланишимиз имконини бермоқда. Бу ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчи-

ларни моддий рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Модернизация ишлари, самарасида корхонада фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига мўлжалланган ёғ-мой ишлаб чиқариш линияси яратилди. Мазкур ускуна соатида 50 килограмм хомашёни қайта ишлаб олиди. У кунгабоқар, кўнжуқ, ерёнқоддан ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўл келади.

Ҳозирги шароитда корхоналар барқарорлиги ҳамда маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири кооперацион алоқаларни ривожлантиришдир. Буни яқини англаган корхона жамоаси нафақат ёғ-мой корхоналари, балки бошқа тадбиркорлик субъектлари билан ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўтган йили мактаблар ва кутубхоналар учун 18 мингдан кўпроқ китоб жағвони, парта ва стуллар тайёрланди. Корхонанинг бундай маҳсулотларига қўшни давлатларда ҳам талаб ортмоқда. 2009 йилда экспорт ҳамми сезиларли даражада ошгани бунинг далилидир.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА муҳбири  
ЎЗА олган сурат.

## ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ



Юртимизда инновацион, таҳриба-конструкторлик ва амалий ишланмаларни рағбатлантириш мақсадида 2008-2009 йилларда ўтказилган инновация ярмаркаларида намойиш этилган қўллаб-қўриш ва технологиялар ишлаб чиқарувчиси томонидан амалиётга таътиб этилмоқда.

Ушбу ярмаркаларда Тошкент ирригация ва мелiorация институти жамоаси ҳавони тозаловчи электрофилтрати, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашда қўл келувчи ускуналар каби бир қатор янги ишланмалари юзасидан корхоналар билан шартномалар имзолаган эди.

Илмий жамоа яратган арте-

зиан қудуқлардан тортиб олинаётган сувни паст частотада электромагнит майдон таъсирида ишлов беришда қўл келувчи ускуна ҳозир Бекобод туманидаги «Саломатин» дам олиш масканига ўрнатилди. Сувни электромагнит ёрдамида сифатли тозалаш-

да қўл келувчи ушбу қурилма илчамлиги, энергия сарфинисбатан камлиги, қулай, осон бошқарилиши ва самарадорлиги билан алоҳида ахамият касб этади.

ЎЗА хабарига қўра, инновацион ярмаркаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг диққати-

ни жалб этган ускуналардан яна бири — турли хил ўлчамли электрофилтратдир. У корхоналарни, тибиёт муассасаларини, хоналарнинг ҳавосини турли зарарли чанглardan — аэрозол зарраларидан тозалашда қўлланилади. Маҳсулот тайёрлаш жараёнида чанг, губор атрофга

тарқалиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва аҳоли соғлиғига таъсир қилишининг олдини олиш мақсадида Олмалик гишт заводида ўрнатилди.

Институтуда яратилган сувни томчилатиб суғориш ускунаси Сурхондарё, Навоий ҳамда Андижон вилоятида фермерлар даласида қўлланилиб, мулк эгаларининг даромадини оширмоқда. Мисол учун, Андижон вилоятининг «Хўжаобод ҳосили барақа», «Шокир ота», «Ишонч» фермер хўжаликларининг пахта майдонларида мазкур ускуна қўлланилганда сув сарфи 40 фоиз тежаллиб, ҳосилдорлик қарийб 15 фоиз ошди.

(Давоми 3-бетда).

## ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. жорий йил режалари белгиланди.

✓ **ЙУСУБОД** туманидаги 480-мактабгача таълим муассасасида «Болаларни касбга йўналтириш» мавзуда тарбиячилар, педагоглар иштирокида ўтказилган семинар-тренинг туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Тошкент Молия институти факультетлари жамоалари ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Яқсарой туманидаги «Кўшбеги» спорт мажмуасида Болалар спортини ривожлантириш жамоасининг шаҳар филиали ташаббуси билан шахмат, шашка, стол тенниси ва эстафета спорт турлари бўйича уюштирилган мусобақалар Баркамол авлод йилига бағишланди.

ШАҲАР ХУЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ва режалар

Дастур — амалда

ЮТУҚЛАР САЛМОҚЛИ БЎЛАДИ

Бугунги кунда мазкур дастур асосида иш юритаётган корхоналар маҳсулотлари рақобатбардошлиги билан ички бозорда муносиб ўрни топиши баробарида, уларга хорижий давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Импорт ўрнини босувчи бундай маҳсулотлар айникса иқтисодийнинг кўплаб соҳаларига ҳам маҳаллийлаштириш дастури асосида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда полипропилен кувурлар, фитинг ҳамда ПВХдан сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, «MIGROV THERM» савдо белгиси остида тайёрланаётган мазкур маҳсулотлардан иссиқ ва совуқ сув тизимларида, иссиқлик ва оқова сув тармоқларида фойдалана...

нилмоқда. Уларнинг сифатига, ҳалқаро меъёрлар даражасида бўлишига қаратилган эътибор буюртмачилар сифтини кенгайтирмоқда.

— Корхонамизда 30 нафардан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилади, — дейди менежер Ризо Норҳужаев. — Цехларимиз Туркия давлатидан келтирилган «Микросан» фирмаси технологияли линиялари билан жиҳозланган бўлиб, бу талаблар даражасидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда, сифатини таъминлашда қўл келмоқда. Талаб ва буюртмалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган полипропилен кувурларнинг диаметри 20 миллиметрдан 63 миллиметрге чачи ташкил этади. Оқова сув кувурлари ПВХ хом ашёсидан тайёрланади, диаметри 50-100 миллиметр. Ҳозирда ички бозорни рақобатбардош товарлар билан таъминлаётган бўлсак, келгусида уларни хорижий давлатларга экспорт қилишни режалаб турибмиз. Жорий йилда Россиядан технологияли линия келтириб ўрнатамиз ва...

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида Президентимиз 2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, бу борада экспорт қилинадиган маҳсулотлар улуши 12 фоизни ташкил қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.



ган 50 йилдан зиёд хизмат қилиш қилолатига эга кувурлар чиримаслиги ҳамда ичида қурумлар йиғилмаслиги билан афзалдир. Мазкур кувурларни буюртма асосида ўрнатиб беришда эса корхона «Аквa термопласт» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорлик қилмоқда.

Излаган имкон топишига ишонган жамоа ахли бозор талаблари асосидаги янги маҳсулотларни харидорларга тортиқ этиш йўлида изланмоқда. Унинг самараси эса ана шу интилишга яраша бўлади.

Шарофат БАҲРОМОВА СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

Бугунги кунда кўп қаватли уйларимиз кўркамлик касб этиб, яшовчиларга хизмат кўрсатиш сифати ҳамда самарадорлиги ортиб бормоқда. Бу, албатта, уй-жой-коммунал соҳасида олиб борилаётган исчилик ислохотларнинг самарасидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хусусий уй-жой мулкдорлари ташкил этилган, кўп қаватли уйлар хонадонларида яшовчи аҳолининг ўз уйига бўлган муносабатлари ижобий томонга ўзгарди, уни сақлаш, авайлаб-асраш, орасталлигини таъминлашдаги ҳиссаси сезиларли даражада ортиб бормоқда. Бу, албатта, ширкатлардаги тушунтириш ишларининг натижасидир. Хонадон эгаларининг ширкат бу ўзлари эканлигини тўғри англаб, «Менинг уйим — менинг мулким» ширкига амал қилаётгани яшаётган уйлари кўрқиди намоян бўлмоқда.

ло уйбоши, йўлакбошиларга ҳамда хонадон эгаларига суянилади, уларнинг мададига таянади. 2007 йилда тумаҳ ҳокимияти ёрдами билан уйларимизда ёнида барна кулайликларга эга болалар...

барчаси ўз ишини яхши тушунади. Керак бўлиб қолганда кундузи, кечаси буюртмани бажариб, юзага келган носолиқларни бартараф этилади. Энди тўловлар масаласига келсак, анча ўзгаришлар бор, яшовчилар мазкур тўловларнинг ўзларига сифатли хизмат кўрсатилишида, умумий мулкни сақлашда катта роль уйнашини тушуниб қолиши. Лекин гуруҳ кўрмаси бўлмаганидек, тўлов интизомини бузиб, ўз мажбуриятларини бажаришда лойқабдил қилаётган хонадон эгаларини ҳам таъкидлаб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди. 19-уйнинг 2-йўлагида яшовчи мулкдорларимиз ана шундай қардорлар жумласига қиради. Булар, албатта ўзларига ҳам, қўни-қўшиқларга ҳам зиён етказиб, уларнинг ҳисобига яшашмоқда. Эндиликда улардан тўловларни қонун асосида ундириб олишга мажбуримиз.

Ширкат — ибрат ЯШОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАД



майдончаси бунёд этилди. Уйбошиларнинг меҳнатлари муносиб баҳолангани ҳолда улар фойдаланиш харажатлари тўловдан озод қилинган. Уйларимизда истиқомат қилаётган 2 нафар уруш ва меҳнат фахрийси ҳам бундай имтиёздан фойдаланади.

ча мана шу уйларда яшагани ҳам мулкдорларга қўл келмоқда. Чунки бирорта муаммо туғилиб қолса, тезлик билан ҳал этилади. Камила Аблатаева ҳар бир хонадонни, уйларнинг ҳолатини яхши билди ва буни аҳолига тушунтира олади. Режалар эса шунга қараб белгиланади.

Ширкат уйларида ўтган йилда мавсумга пухта тайёрлаш қўрилгани боис ҳам иссиқлик узатишда муаммо-

— Ҳамма нарса ҳамжиҳатликка боғлиқ, — дейди Камила Аблатаева. — Қўз тегмасин, жамоамиз аҳил, уларнинг

Дилдаги гаплар ОЗОДАЛИККА НИМА ЕТСИН

Муборак Жўраева, уй-жой мулкдорлари ширкати ходими: — Бир неча йилдан бундан ўзим яшайдиган хувода яқин жойлашган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйлар ҳолатини тозалигини сақлашга, орасталлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаман. Албатта, ўз вазифамни эрта тонгдан, ҳали яшовчилар уйкудан уйғониб улгурмасидан адо этишга ҳаракат қиламан. Бундан ўзимнинг ҳам дилим ярайди. Ахир ўз ишимни сидқидилдан бажараман-да.

Қўлимиздан келадиган иш

Нигора Салимова, ўқитувчи: — Менинг ҳозирги айтмоқчи бўлган гапим кўп қаватли уйда яшовчи хонадон беккаларига тааллуқлидир. Улар мендан ранжишмасин-ку, лекин кўпчиликлари «дом»да яшовчилар ўз эшиги олдини, йўлагини тозалайдилар эринишди. Кейин фарзандлари ҳам бундан ўргатилмайдилар. Кўп қаватли уйда яшовчи ўқувчиларимизнинг хонадонларига борганимда, бунинг бир неча бор гувоҳи бўлганман. Ахир ўша бундангина зиналарни тозалаб қўйишга кўп вақт ҳам кетмайдими-ку.

Нахотки, ишдан, ўқшдан қайтиб ўша бертатиб зиналарни кўриб, индамай уйга кириб кетиш мумкин бўлса.

Кўпгина ана шу уйларининг ҳовлисида ёш аёллар, келинлар соатлаб суҳбатлашиб туришади, вақтларини беҳуда ўтказишади. Ана шу вақтнинг озгина қисмини ўзлари яшайдиган уй — ўз мулкларини сақлашга, озодалигини таъминлашга сарфлашса бўлмайди-ми? Албатта, бу борада кўп қаватли уйлардан ташкил топган маҳалла хотин-қизлар комиссияси, фаоллари ҳам эътиборлироқ бўлса, шу мавзуда тadbирлар ўтказишса, фойдадан холи бўлмасди. Негаки, кўп қаватли уйларда ҳам қизларимиз буй етапти, эртага улар ўзга хонадонга келин бўлади. «Кўш уясиде кўрганини қилади» деган нақл беҳижга айтилмаган-ку.

Сирасини айтганда, остонамиз тозалигига, хонадонимиз саранжом-саршилатлигига нима етсин. Бунинг учун озгина вақтимизни аямалик, азиз аёллар. Ахир бу ҳаммаимизнинг қўлимиздан келадиган иш-ку. Шунинг баробарида фарзандларимизга ҳам шарқона урф-одат, аънава ва удумларимизни ўргатиб борилайлик, зеро, улар бизнинг миллий қадриятларимиз сирасига қиради.

Сўраш, жавоб берамиз

БОШҚА ҲОВЛИ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?

Яшаб турган уйимизни бузиб, ўрнига кўп қаватли уйлардан квартира беришмоқчи экан. Лекин биз кекса онамиз билан яшаганимиз боис кўп қаватли уйда яшаганимиз келмаяпти. Бузилаётган ҳовлимиз ўрнига бошқа жойдан ҳовли ёки ер участкаси талаб қилсам бўладими?

Рустам Садиров, хизматчи

Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига биноан ва тарафлар келишувига кўра, барча кулайликлари бўлган аввалгисига тенг қийматли уй-жой майдонининг ижтимоий меъёридан кам бўлмаган сахндаги бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) қиймати берилаётган турар жойнинг қийматидан ортқ бўлган ҳолда бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, деб белгиланган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддасида. Бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Уй-жой кодексининг 28-моддасида айтилишича, ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда, мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига кўра, яқна тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлиқ қопланади.

Шунингдек, кодекснинг 30-моддасида қуйидагилар белгиланган: фуқаролар ва юридик шахсларнинг хоҳишига кўра, уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, бузилиши лозим бўлган уйлар, иморатлар ҳамда иншоотлар кўчирилиши ва янги жойда тикланиши мумкин. Уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ТАЪСИРЧАНЛИК ВА ЮҚОРИ СИФАТ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очкилиги, ошқоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид кўплаб қонун ҳужжатлари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Юртимизда фуқаролик институтининг муҳим ва ажралмас бўғини — оммавий ахборот воситаларини тобора ривожлантириш, унинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратишга оид шакллантирилган изчил механизм ОАВнинг том маънодаги эркин фикр минбарига айланишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда юртимизда мустақил оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тобора раванқ топиб бораётгани аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда, жамиятимизда демократик тамойилларнинг мустаҳкам қарор топишида қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияда юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнини, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга холис ва тезкор тарзда етказишда оммавий ахборот воситалари ходимларидан ўз касбига масъулият билан ёндашув, пухта билим ва маҳорат талаб этилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу эса миллий маъбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, журналистларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, уларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини янада такомиллаштириш, нодавлат босма оммавий ахборот воситаларини малакали журналист кадрлар билан таъминлаш каби масалалар билан узвий боғлиқдир.

Конференцияда давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштиришда ҳамда мамлакатни модернизация қилишда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг вазифалари, медиа маконга илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, сиёсий партиялар маъбуот органлари фаолиятини ташкил этишнинг ўзига ҳоз жихатлари каби мавзularда маърузалар тингланди.

Назokat УСМОНОВА, ЎзА муҳбири

Транспорт

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президентимизнинг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчиларни ташуш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида шаҳримиз транспорт тизими доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«Йўл қондаларига амал қилиш — хавфсизлик кафолати» деган шior остида «Йўловчи ташуш транспортиде аҳолига маданий ва намунали хизмат кўрсатиш ойлйги» ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг 15 апрелидан 15 майгача ўтказиладиган навбатдаги ойлйкни уюшқoқлик билан ташкил этишни таъминлаш тadbирлари қўрилмоқда. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли корхона ва ташкилотларда қатор вазифалар белгилаб олинди. Пойтахтимизда йўловчи ташуш фаолиятини олиб бoрувчи барча хайдовчилар, ишчи-хизматчилар ва йўловчиларга қарата муружаат қабул қилиниб, транспорт воситаларини техник соз, тоза холдат ишга чиқариш, белгиланган жадвал асосида хавфсизликка риоа қилишга алоҳида эътибор берилди.

ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар йўловчи ташуш электр транспортининг ҳаракатдаги таркиби паркени янгилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини буйича «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан тadbирлар режаси тайёрланган бўлиб, 2009-2010 йиллар давомиде пойтахтимизда трамвай транспортини инфратузилмаларини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Жорий йилда замонавий трамвай вагонларидан 20 таси харид қилинади. Шу муносабат билан мутахассислар гуруҳи Россия, Украина ва Чехия давлатларидаги трамвай ишлаб чиқарувчи корхоналарда бўлиб, ўз таклифларини тақдим этилади.

Бу савий-ҳаракатлар айни вақтда электр транспорти ривожиде муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ТРАМВАЙЛАР УЧУН ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР

Трамвай вагонларини таъмирлаш ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда «Транс-снаб» масъулияти чекланган жамият мутахассислари бой тажриба орттирган.

«Татра» русумидеги трамвай вагонларининг банджақларини янгилаш йўлида қўрилган техник тadbир ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кейинги бир йил давомиде трамвай деполари буюртмаси билан 20 га яқин трамвай банджақлари таъмирдан чиқарилади. Айни пайтгача «Мерседес-Бенц» русумидеги автобуслар учун 120 хилдан ортқ эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Ақбар АЛИЕВ

**ФАН ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илим-фаннинг амалиёт билан уйғунлашуви икки-соддий самарадорлини ошириш ҳамда корхоналарни маҳаллий ҳомаёти асосида тайёрланган ускуна ва техника билан жиҳозлашга хизмат қилмоқда. Бундай инновация лойиҳалари муаллифи ҳам, уларни ишлаб чиқаришга жорий эътибор ҳам катта манфаат келтирмоқда.

Агробиотехнология хизмат қиладиган технологиялар яратиш, гидрогеоинжендеринг лойиҳалаш ва хабтаб табиқати янада кенгайтириш мақсадида тадқиқотлар олиб бораётган институт ҳаммаси жорий йилда бўладиган Республика инновацион соғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида қарийб 20 лойиҳа билан иштирок этиди. Олимлар ва магистрантлар томонидан тақдир қилинган ишланмаларда замонавий технологиялар курсаткиларини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мева, सबзавотни кўришти ва саклашда хавони ионлаштириш, қишлоқ хўжалиги эканларига улайишган касалликларни электр импульслар ёрдамида йўқотиш, авто ва трактор мойлаш материалларини тазолаб берувчи ускуна, сувдан самарали фойдаланишда қўл келувчи моторсиз сув кўтаргич шўлар жумласидандир.

Сувдан оқилона фойдаланиш, тежаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Институтда яратилган лойиҳаларда бу муаммонинг ечимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар нотежис жойлашгани боис экан майдонларининг катта қисми сувни тепага кўтариб берадиган насослар ёрдамида сугорилади. Ана шундай электр двигателларининг ишлаш муддатини узайтириш мақсадида электр қувватини меъёрида етказиб берувчи қурилма яратилди. Шунингдек, амалдагисига нисбатан тежамли ва қўлай янги сув кўтаргич иختиро қилинди. Унинг ёрдамида бир кунда ариқ ва ўزانлардаги 8 тоннагача сувни электр ва ёқилғисиз, фақат сув оқими ҳисобида 30-40 метрга бандликка кўтариш мумкин.

Тошкент ирригация ва мелiorация институти мутахассислари фермерларга сугориш самарадорлигини оширишда қўл келувчи яна бир технология — интер полимер комплексларни тақдир қилаётди. Бундай ускуна ери ҳайдаш, шудорлаш жараёнида 30-40 сантиметр чуқурликка интер полимер комплекс-кимевий модда жойлаштирилади. Унинг ёрдамида намлик яхши сақлангани боис унумдорлик ортади, сугориш суви тежалди.

Институтда яратилган янги иختиро — замонавий бўғдой экин сеякчаси ўзининг унумдорлиги билан амалдаги ана шундай ускунага нисбатан анча афзал. Янги сеякча донни пушталарга сегиш ва бароналаш юмушларини бир йўла бажариш орқали бир неча техниканин ишини удрдалайди. Наҳтидада ҳар гектардан 60 килограмм урғулик иктисод қилнади ҳамда ёнлиги сарфи камайд.

Мазкур ишланмаларнинг барчаси патентлар билан ҳимояланган. Уларни ҳаётга кенг табиқ этиш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардорлигини кучайтириш, таннархи ва энергия истеъмолини пасайтириш имкониятини янада кенгайтиради.

Интернет саҳифаларида Ўзбекистонда кечаётган оқшомлар ҳақида айрим маълумотларни ўқиш, ёқа шўлашсан. Шундай тасаввур тўғрисида: мамлакатимизга "хайрихо" бўлган кишиларнинг катта бўлмасида, аммо жуда фаол гуруҳи шаклланган-у, уларнинг кўнглини сира топиб бўлмайд. Фақат салбий ахборот улар томонидан олқилар билан кутиб олинади, бироқ ўзбек халқи эришаётган муваффақият ва амалий ютуқлар дарҳол инкор этилади ёки "илтифот" юзасидан шўба остига олинади.

Мустанкилликнинг 18-йилида, кўп миллатли халқимизнинг қадриятли камситилгани фаоти бўйича ўтказилган очқ суд, албатта, кўнуний асосга эга. Ахир, қачонгача ўзича "илгор" ва "маданият" ақл ўргатувчиларнинг юракка игнадек санчиладиган панду насихатларига, уларнинг маҳаллий лаганбардорлардан иборат чет эл грантлари билан тўйинган "зиёли" хайрихоҳларнинг кирдиқорларига чидаш мумкин?

Ушбу суд жараёнида суратчи ва киноҳужжати Умида Аҳмедованин "ижод"и кўриб чиқилди. Бу ижодкор даставвал меҳр ва гурур билан ўз халқини ва ортини тасвирлаб бермоқчи бўлганига, бир қараида шўба уйғонмайд. Унинг 2007 йилда нашр этилган "Эркаклар ва аёллар: тондан тонгача" ("Women and Men: From Dawn to Dusk") фотолбуми ва кейинги йилда чиқарилган "Масъумлик юки" ("The Burden of Virginity") ҳужжатли фильми ҳам ҳар қандай сиевсадан йироқ этнография асарлар сираиғига қира эди.

Аммо, ҳамма бало шундаки, ҳар иккала лойиҳа ҳам Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчиюнасини грантлари билан молиявий қўллаб-қувватланган эди. Умида кейинги йилларда ҳам барча лойиҳаларини чет эл маблаглари ҳисобидан амалга оширган, демаски, ўз "Ватанпарвар" лигини хориж талабларига мослаштириш лозим бўлган. Сир эмас, музикани пул тўлаган одам буюради. Фоят зерикчан, тўқликка шўйликни хуш кўрадиган Фарб томошабини ёш мустанкил мамлакатининг муваффақиятларига бифарқ қарайди, лекин шахоний "ноблик" ва "кашшоқ экзотикага" жон-дили билан махлиб бўлиши мумкин. У.Аҳмедова ижодида Ўзбекистон қиёфаси аста-секин Урта асрлар тусига кириб боргани, унинг фуқаролари эса ёқимли, лекин "ҳожил урф-одатлар" билан ҳаёт кечирувчи "кашшоқ ва қолоқ" ёввойи одамлар сифатида тасвирлангани боиси ҳам шунда.

Демак, Умида Аҳмедова ўз "ижоди" билан, истасин-истамасин, Фарбада шақланган, мусулмон давлатлари халқлари азалдан умумэътироф этилган ахлоқодоб қоидаларига риоя этмайд.

